

Ўзбекистонлик уламолар Жанубий Кореяга ташриф буюришди



20:06 / 11.12.2022 1303

Шу йилнинг декабр ойида юртимизнинг таниқли уламолари Исмоилжон домла Муҳаммад Содиқ ҳамда Муҳаммад Айюб домла Ҳомидов Жанубий Кореядаги ватандош диндошларимиз билан учрашиб, уларга илмий-маърифий суҳбатлар қилиб бериш мақсадида ушбу юртга ташриф буюрдилар.

Жумладан, 9 декабрь куни Жанубий Кореянинг Паран шаҳридаги «Имом Ал Бухорий» жомеъ масжидида, хуфтон намозидан сўнг устозларимиз билан давра суҳбати ташкиллаштирилди. Ушбу суҳбатга йиғилган ватандошларимиз икки дунё манфаати учун бўлган илмий мавъизалардан баҳраманд бўлиб, устозларнинг ташрифларидан мамнун бўлдилар.

Кеча 10 декабрь куни пешин намозидан сўнг Гимҳае шаҳридаги «Имом Ал Бухорий» жомеъ масжидида ҳам илмий суҳбатлар ташкиллаштирилди. Учрашув Қуръони Карим тиловати ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаламга салавот айтиш билан бошланди. Устозларимиз Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига мувофиқ маъизалар айтиб, мусулмонлар Аллоҳнинг Каломи ва Набий алайҳиссаломнинг суннатларига амал қилиб ҳаёт кечирмоқликлари ҳақида муҳим тавсиялар, панд-насиҳатлар бериб ўтдилар.

Илмий учрашувда ватандошларимиз ўзларининг муҳим саволларини бериб, устозларимиздан керакли жавобларни олдилар. Учрашув якунида жамоа

аҳлига устозларимиз хайрли дуолар қилиб бердилар.

Аллоҳ таоло илмий суҳбатларни барчамизга манфаатли қилсин.